

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Оқолтин тумани

2023 йил 03 май

Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Хусановнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар ишончли вакили ХХХ (11.02.2023 йилдаги № 91-сонли ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар ХХХ масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар ХХХ масъулияти чекланган жамиятидан 27 654 923 сўм асосий қарз ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажатини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни, Сардоба тумани “Пахтаобод” шаҳарчаси, “Муқумий” кўчаси, 9-уйда жойлашган Сардоба туман Давлат солиқ инспекцияси биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХ масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда “палата” деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ХХХ масъулияти чекланган жамиятидан (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади) 27 654 923 сўм асосий қарз ва 30 000 сўм почта харажатини ундиришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган палата ва жавобгар суд мажлисига келмади ва вакили иштирокини таъминламади.

Бу ҳолда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда “ИПК” деб юритилади) 128, 170-моддасига асосан, ишни унда мавжуд материаллар асосида палата ва жавобгар вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қувватлаб, қарздорликни ундириб беришни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 8-моддаси биринчи қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.



давлат божини жавобгар зиммасига юклашни ва олдинадан тўланган 30 000 сўм почта харажати жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118, 170, 176-180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогар ХХХ масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар ХХХ масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар ХХХ масъулияти чекланган жамияти фойдасига 27 654 923 сўм асосий қарз ҳамда олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар ХХХ масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан Республика бюджетига 553 098 сўм 46 тийин давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиш келтириши мумкин.

Судья

Н.Сангиров

